



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Кун  
Хабарлари

# Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Шижоатли кишиларни  
дўст тут, чунки  
Тангри таоло  
жасур кишиларни  
ардоқлайди.

Амир Темур

2020 йил 19 сентябрь • шанба • № 103 (4388)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

## КОММУНАЛ СОҲАДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА ТАРИФЛАР МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР БИЛАН КЕЛИШИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 18 сентябрь куни ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб ўтди. Касаллик ҳамон бутун дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани, сўнгги кунларда юртимизда ҳам беморлар сони кўпайгани афсус билан қайд этилди. Темир интизом ва тартибни таъминлаб, барча жойларда санитария талабларига қатъий амал қилиш кераклиги яна бир бор таъкидланди.

Куз мавсумида шамоллаш кўпайиши, коронавирусга қўшимча бошқа касалликларнинг ортишини инobatга олиб, беморлар учун яратилган заҳира ўринларини кўпайтириш, зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Биринчи навбатда тиббиёт ходимлари ва мактаб ўқитувчиларини, 65 ёшдан ошган кексаларни грипга қарши эмлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Коммунал тармоқларнинг барқарор фаолияти аҳоли турмуш сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан. Шу боис давлатимиз томонидан бу масалага доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йил 17 июль куни ўтган видео-

селектор йиғилишида соҳадаги муаммолар муҳокама қилиниб, ишни янгича тартибда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган эди.

Шунга мувофиқ, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимидаги лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, тарифларни белгилашни маҳаллий кенгашлар билан келишиш тартиби жорий қилинмоқда.

Мисол учун, Олмалиқдаги ичимлик суви таъминоти қорхонасига қарашли 52 та насос янгиланиши натижасида қорхонанинг умумий харажати 22 фоизга, электр энергияси сарфи 2 бараварга қисқарган. Шаҳар аҳолиси сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминланмоқда. Худди шунингдек, сўнгги 3 йилда амалга оширилган лойиҳалар натижасида Гулистон шаҳрининг ичимлик суви таъминоти масаласи ҳам тўла ҳал бўлди.

Йиғилишда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига ушбу тажриба асосида келгуси йил учун мўлжалланган 28 та янги лойиҳани маҳаллий кенгашлар билан келишиш вазифаси қўйилди. Шу-

нингдек, жорий йилда якунига етказиладиган 360 та лойиҳани қабул қилиб олиш бўйича топшириқ берилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, қарийб 2 мингта аҳоли пунктига марказлашган сув етказиб бериш техник жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шу боис бундай ҳудудларни хусусий сектор орқали сув билан таъминлаш маъқул келмоқда.

Мисол учун, Ўзбекистон туманида ижтимоий шериклик асосида қудуқ ишга туширилиб, 6 та узоқ қишлоқдаги 11 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланган эди. Бунга кетган харажатлар 2 йилда ўзини қоплади. Шунингдек, Амударё туманида 8 та сув тозалаш шохбосчаси қурилиб, 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 7 та маҳалла тоза ичимлик суви билан таъминланган. Лойиҳа 3 йилда ўзини оқлайди.

Бу тизимнинг қулайлиги шундаки, ичимлик суви объектлари қуриш ва ускуналар харид қилиш учун хусусий секторга кредит берилиб, унинг 14 фоизидан юқори қисмига давлат томонидан субсидия ажратилади. Бугунги кунда кўп-кўп тадбиркорлар шундай лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Йиғилишда мамлакат бўйлаб 27 та туманда ичимлик суви билан таъминлаш ишлари танқид қилинди. Мавжуд 70 минг километр сув қувурларининг 32 фоизи эскирган. Оқибатда улардаги йўқотишлар даражаси 40-50 фоизни ташкил эт-

моқда. Бу йилига қарийб 500 миллион куб метр сув ёки ўртача 300 миллиард сўм дегани. Бундан ташқари, жойлардаги насос ускуналари ва махсус техникалар ҳам таъмирталаб бўлиб қолган.

Шу боис келгуси йилдан инвестиция дастурларида соҳага ажратилаётган маблағнинг 10 фоизини сув объектларига энергия тежовини ускуналар ўрнатиш ҳамда махсус техникалар харид қилиш учун йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Бу йил қиш совуқ келиб, ҳаво ҳарорати олдинги йилларга нисбатан 2-5 даража паст бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига туман ва шаҳарлардаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, куз-қишга тайёргарлик юзасидан Тошкент шаҳрининг 12 та тумани, Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоят бўйича алоҳида-алоҳида қарор қабул қилиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Тошкент шаҳри туманларига, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари вилоятларга шу масалалар бўйича масъул этиб бириктирилди. Тайёргарлик ишларини, энг аввало, бу борада аҳвол оғир бўлган 56 та туман ва шаҳардан бошлаш кераклиги таъкидланди.

1 ноябрга қадар 3 мингдан зиёд таъ-

мирга муҳтож кўп қаватли уйни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, 131 та ижтимоий соҳа объектини мукамал ва 3 мингта жорий жойлардаги таъмирлаш вазифаси қўйилди. Тиббиёт ва таълим муассасаларининг тайёргарлик ҳолати кўриб чиқилди.

Бу йил куз-қиш мавсуми учун 6 миллион тонна кўмир маҳсулотлари зарурлиги қайд этилиб, уларни мамлаш ва етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Кўмир арзон бўлиши учун уни импорт қилувчи тадбиркорларга темир йўлда ташиш бўйича чегирма бериш муҳимлиги таъкидланди.

Бош прокуратурага кўмир нархини асоссиз ошириб юбориш, тамағирлик ва талон-тарож ҳолатларининг олдини олиш юзасидан кўрсатма берилди.

“Худудга таъминот” акциядорлик жамиятига табиий газ танқис ҳудудларга 385 минг тонна сунултирилган газ етказиб бериш вазифаси қўйилди.

Жорий мавсумда электр энергиясига талаб ўтган йилга нисбатан 7,5 фоиз кўп бўлиши кутилмоқда. Бу соҳа барқарор ишлаши учун иссиқлик электр станцияларини табиий газ ва мазут билан таъминлаш, электр тармоқлари, подстанция ва трансформаторларни таъмирлаш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида ҳукумат аъзолари, тегишли тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА



Кун  
НАФАСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Чили Республикаси Президенти Мигель Хуан Себастьян Пиньера Эченикени Мустақиллик куни билан табриқлади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов мамлакатимизда дипломатик миссиясини якунлаётган Иордания Хошимийлар Подшоҳлигининг Факуллода ва мухтор элчиси Солиҳ Аҳмад ал-Жаварнеҳни қабул қилди.

\*\*\*



Россия делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурақов Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазири ўринбосари Алексей Груздев, «Россия экспорт маркази» АЖ Бош директори Вероника Никишина, «Экспорт кредитлари ва инвестицияларини суғурта қилиш бўйича Россия агентлиги» АЖ Бош директори Никита Гусаков, Федерация Кенгаши Аграр ва озиқ-овқат сисъати ва табиатдан фойдаланиш кўмитаси раиси ўринбосари Сергей Лисовский, «КАМАЗ» ОАЖ Бош директори Сергей Когогин ва «Хэ-вэл» компаниялар гуруҳининг Бош директори Игорь Шахрай билан учрашувлар ўтказди.



2020 йил 17 сентябрда Россия Федерациясининг «ВЭБ.РФ» Давлат тараққиёт корпорацияси раиси И.И.Шувалов бошчилигидаги делегацияси ташрифи домида Ўзбекистон Миллий банки ва ВЭБ.РФ ўртасида Ўзбекистон Миллий банкни Россия Банки Молиявий хабарлар етказиш тизимига (СПФС) улаш бўйича келишув имзоланди.



Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири Алишер Султонов Россия Федерацияси «ВЭБ.РФ» давлат тараққиёт корпорацияси раиси Игорь Шувалов бошчилигидаги делегация билан учрашди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати маълум қилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди



ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИНING  
ЮРИДИК  
КЛИНИКАСИДА  
ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН,  
ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ  
ЮРИТАДИГАН

1092 –

қисқа рақамли  
«Ишонч» телефони  
– «Call-center»га

меҳнат муносабатлари юзасидан ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин.

Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда қасаба уюшмаси аъзоси бўлишдан қатъий назар, барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади.

Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон қасаба уюшмаси Федерациянинг доимий эътиборида!



## ПЕНСИЯ СТРЕССИ –

биологик ёшни  
оширади(ми?)

Инсон ўз оиласи, яқинлари қатори касби, ишига ҳам меҳр қўяди, ундан мосуво бўлиш ўзига хос стресс ясаши фан томонидан ҳам исботланган.

2

Келгуси сонларда ўқинг...

## АФҒОНЛАРАРО ТИНЧЛИК ЖАРАЁНЛАРИ

ўзбек дипломатияси муваффақиятларининг ёрқин ифодаси



Қашқадарё  
вилояти

Жамоа шартномаси – амалда

## Масъулиятли давр

Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда унинг қўйи тизимларида 923 нафар ходим ишлайди. Албатта, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатларини тасаввур қилиш қийин эмас. Айниқса, бугунги пандемия шароитида уларнинг зиммасидаги масъулият ўн чандон ошган.

Шу боис, жамоа шартномасида кўрсатилган имтиёз ва қарорлардан фойдаланиш самардорлигини янада ошириш мақсадида кўмита қатор ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга оширди. Жумладан, ногирон фарзандлари бор 14 нафар ходимга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бемор ҳамда турли хасталиклар бўйича даволанаётган 8 нафар ходимнинг ҳар бирига 660 минг сўмдан моддий кўмаклашилди. Тўрт нафар вафот этган ходимнинг оиласига бир миллион сўмдан ёрдам кўрсатилиб, оғир дамда елкадош бўлинди.

Шунингдек, иш берувчи маблағлари ҳисобидан бошқарма тиббий пунктига 12 миллион



сўмлик дори-дармон олиб берилди.

Республика махсус комиссияси санаторийлар фаолиятига руҳлат бергани боис, сихатҳоҳларда дам олиш истагини билдирган ходимларга ҳам йўлланмалар тарқатилмоқда.

Аъзам ЖУМАҚУЛОВ,

Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қасаба уюшма кўмитаси раиси

## УЛАР БИЗГА БЕГОНА ЭМАС

Ёқуд МИГРАНТЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА  
ЭКАНИНИ ҲИС ЭТИБ ЯШАШЛАРИ УЧУН  
МУҲИМ ҲУҲЖАТ

3

## ЕР «ҚАЛҚОНИ» емирилмоқда



Бухоро вилояти

Ўқув-семинар



Қашқадарё вилояти

Мулоҳаза

# ХТМ КОНВЕНЦИЯЛАРИ: Амалиёт ва натижа

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи Конвенциялари ва уларнинг амалиётда тутган ўрни» мавзусида онлайн ўқув-семинар ўтказилди. Унда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари, агрокластерлар иш берувчилар, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда касаба уюшма ташкилотлари вакиллари иштирок этди.



Семинарда халқаро ва миллий қонунчиликнинг мажбурий меҳнатни тақиқловчи меъёрлари мазмун-моҳияти, қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан белгиланган маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари ҳақида сўз борди. Хусусан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов бундай меъёрлар Конституциямиз ва Меҳнат кодексига, Президентимизнинг «Одам савдосига ҳамда мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан қай йўсин акс этгани хусусида тўхталди.

Хозирга қадар Халқаро меҳнат ташкилотининг ўн еттита конвенцияси ва битта баённомаси ратификация қилинган бўлиб, «Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги, «Мажбурий меҳнат тўғрисида»ги, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги, «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ

қилишга доир шошилч чоралар тўғрисида»ги, «Бирлашиш эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Жамоа музокараларини олиб бориш ва бирлашиш ҳуқуқи тўғрисида»ги конвенциялар шулар сирасидандир. Семинар давомида ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг миллий меҳнат қонунчилигимизда ва амалиётда қўлланилиши бўйича атрофлича маълумот берилди.

Қайд этилдики, ХТМнинг миллий меҳнат қонунчилигимиз тизимига меъёрлари имплементация қилинган асос солувчи конвенциялари мажбурий меҳнатнинг олдини олишда, уюшмиш эркинлиги ва жамоавий битим тузиш ҳуқуқлари таъминлашида, шунингдек, болалар меҳнати ҳамда иш жойларидаги камситишларга барҳам берилишида муҳим роль ўйнайди. Ўтган қисқа вақт ичида Бухоро вилоятида амалга оширилган ва оширилаётган борадаги саяё-ҳаракатлар натижаси, чунончи, халқаро меҳнат мезонлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг корхона ва ташкилотларда ижросини таъминлаш мақсадида ХТМнинг мамлакатимизда ратификация қилинган

конвенциялари меъёрларини вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жами 2125 та жамоа шартномасига киритиш бўйича ишлар бажарилди.

Амалий семинар давомида Халқаро меҳнат ташкилотининг асос солувчи Конвенциялари ва уларнинг амалиётда қўлланилиши, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга қарши курашда касаба уюшмаларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда иш берувчилар билан ҳамкорликдаги чора-тадбирлари, қолаверса, истиқболдаги вазифалар тўғрисида фикрлашиб олинди.

Бундан ташқари, онлайн семинар иштирокчиларига мажбурий меҳнатга қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан тавсиялар берилиб, мавзуга доир савол-жавоб ва муҳокамалар ўтказилди.

Жасур ТОШОВ,

Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

1991 йилда ўз меҳнат фаолиятини бошлаганман. Ортда қолган йиллар давомида Шаҳрисабз тумани Мироқи шаҳарчасидаги 15-санаторий типидоги мактаб-интернатда кимё ва биология фанларидан дарс бериб, ўқитувчилик касбининг шарафи ва масъулиятини теран англадим.

## Қўйилган талаб ўринли

Мактаб-интернатимизда юқори нафас йўлларида хасталиги бор ўғил-қизлар ётиб даволанишда ва улар сўлим, ҳавоси тоза, салқин гўшада жойлашган таълим-тарбия масканида жисмонан ва маънан баркамоллик сари йўналтирилди.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида биз, ўқитувчилар ҳам жуда катта ишонч билдирилди. Зиммамизда миллатни кўтаришга ҳисса қўшиш, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний каби алломаларимизга муносиб издошлар тарбиялашдек юксак вазифа юкланди.

Таъқидланганидек, заманимизда ноёб иқтидор эгалари, заковатли ўғил-қизлар кўп. Фақат биз уларнинг қобилиятини ва истеъдодини тўғри англаб, юзага чиқаришда кўшанот бўлишимиз керак.

Хўш, бунга қандай эришамиз?

2000 йилда мактаб-интернатлари ва Меҳрибонлик уйлари ўқитувчилари ўртасида ўтказилган «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида қатнашиб, ўз дастурийми кўргазмалари тарзда намоян эгдим ва танловнинг вилоят босқичи ғолиби бўлдим.

Бундан руҳланган ҳолда, «Фан ойлари»га алоҳида ёндашув йўлга қўйилиб, ҳомийлар кўмагида фаол ўқувчиларни рағбатлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Буни қарангки, ойлик якунида ташкил этилган «Кимё фани фестивали» чин маънода йирик илм-маърифат тадбирига айланган бўлиб, унда нафақат бизнинг мактаб-интернатимиз, балки атрофимиздаги мактаблардан ҳам ўқувчилар ҳам жуда катта ишонч билдирилди, ўз билим ва қўникмаларини, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятини намоян этишди. Энг зукко ва билимли ўқувчилар эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Президентимизнинг байрам табригини тинглар эканман, бундан буён таълимга янги-янги тақабул қилганларни татбиқ этишимиз, инновацион дарс ўтиш усуллари, ўқувчилар қобилиятини юзага чиқаришга кўмак берувчи турли илмий-маърифий тадбирларни янада кўпайтиришимиз лозимлигини қалбим ҳис қилдим.

Бугунги пандемия шароитида мактаб-интернатимизда ҳам дарслар онлайн тарзида олиб бориляпти.

Ота-оналар ўртасида ўтказилган сўровнома ҳам онлайн ўқишни ёқлаганлар кўпчилигини ташкил этди. Чунки бизда, юқо-

рида айтганимдек, ўқувчилар шу ерда ётиб ўқийди ва касалликнинг бирдан-иккинчисига юқиш эҳтимоли юқори. Аммо ўқитишнинг аъъанвий тарзда ўтилмаслиги биз, устозларнинг ишимизни сира осонлаштирмайди. Аксинча, зиммамиздаги масъулиятни ошмиради.

Шу ўринда бир мулоҳаза.

Давлатимиз раҳбари янгица ишларни талаб қилаётган экан, барча таълим муассасаларида ёш, қалби иштиёқ ва ғояларга тўла кадрларга кўпроқ имконият бериш лозим, деб ўйлайман. Айниқса, бугунги кунда таълимда масофавий ўқитиш услуби устувор бўлаётган паллада эскича ишларнинг асло иложи йўқ...

Бунинг учун таълим муассасалари раҳбарлари фидойилик кўрсатиши, зиё масканида ким қандай ишлаяпти, қайси ўқитувчи ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда, қайси бири ўқувчиларни билимли қилишда сузташликка йўл қўймоқда каби саволларга ҳолисона жавоб топмоғи ва шаффофликка энг олий талаб, сифатида қарамоғи лозим. Ана шунда Ибн Сино ва Беруний каби алломаларни кашф эта оламиз...

Истам ҲАСАНОВ,

Шаҳрисабз туманидаги 15-санаторий типидоги мактаб-интернати ўқитувчиси



Фарғона вилояти

Мавсум

## Пахтани шартнома имзолаганларгина теради

Бирор шахснинг ўзига тааллуқли бўлмаган ишга унинг розилигисиз мажбурлашга йўл қўйилмайди. Бундай хатти-ҳаракат қонун йўли билан тақиқланади. Касаба уюшмалари ва қатор ҳамкор ташкилот вакиллари иштирокида ўтказилган анжуманда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, теримчиларни мавсумий қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилишда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши каби масалалар хусусида сўз борди.

Фарғона вилоятида жорий йилнинг шу даври мобайнида 3 та мажбурий меҳнат ҳолати аниқланган ва қонунчиликка мувофиқ тегишли чоралар кўрилган. Ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичлар эса 19 тани ташкил этган. Бу демакки, тушунтириш ва тарғибот ишлари ўз самарасини бераётир.

Ушбу анжуманининг айнан пахта-ийғим терими палласида ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Авваллари айнан шу пайтда кузатишган муаммолар бар-тароф этилаётгани айни муддао бўлмоқда. Бугун пахтани фермер ёки кластер раҳбари билан бе-восита шартнома имзолаш ҳуқуқ ва манфаатлари тўла ҳимояланган теримчи теради.

Ушбу шартноманинг ўзига хосликлари шун-

даки, теримчи биринчи навбатда кафолатланган иш ҳақиқага эга бўлади, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат инспекциясининг Фарғона вилояти бўйича Меҳнат ҳуқуқ инспектори Орзугул Қозилонова. — Саломатлигига путур етган зарарларни ундириш, шу билан бирга, муносиб шарт-шароитларда меҳнат қилиши таъминланади.

Айни пайтда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларига мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши, агар мажбурий меҳнат ҳолатлари юзга келса, касаба уюшмаларининг «10-92» қисқа рақамларига боғланиш лозимлиги акс этган баннер ва плакатлар ўрнатилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,  
«ISHONCH»

«Бир йил қолди», «Икки йил қолди» деб пенсияга чиқишни кутувчилар анчагина. Лекин айни кутилган дам келганида кўнгиллар алланечук ҳолатга тушиши ҳам рост. Чунки инсон ўз оиласи, яқинлари қатори касби, ишига ҳам меҳр қўяди, ундан мосуво бўлиш ўзига хос стресс ясаши фан томонидан ҳам исботланган.

Пенсия орқали ижтимоий ҳолат ўзгаради, пенсия соҳиб ва соҳибаларининг кун тартиби бошқача тус олади. Бу ҳар кун ишга бориб-келишни мия аниқлик, пенсияга чиқиб уйда ўтиришни эса ноаниқлик деб қабул қилади. Бу эса нафақат руҳият, балки организмизда ҳам ўзгаришлар ясади.

Пенсия стресси икки турлидир: пенсиядан олдинги ва пенсиядан кейинги. Пенсиядан олдинги стресс — бу ёшга етаётган ходимда яқинда ишдан кетиш, бунга раҳбариятнинг муносабати қандай бўлиши, пенсияда нима билан шуғулланишини ўйлаш асносида юз беради. Ходим пенсияга ўзи хоҳлаб, эркин ҳаётни орзулаб чиққанига қарамай, маълум вақт ўтганидан сўнг бу тартибга қўниқолмаслик, зероки, асабийлашмиш кўзга ташланади. Бу ҳолатни кўнчилиқ қарантин тақозоси билан уйда ўтиришда ҳис этиб кўрганлиги ҳам бор ҳақиқат. Ходимларга масофавий ишлаш аввалга ёқди, қулай туюлди, кейинроқ эса ўзларидея зероки, асабийлик, бифарқлики сеза бошладилар.


Ижтимоий ролдаги алмашинув биологик ёшга таъсир кўрсатар даражада депрессияни юзага келтиради. Пенсияга чиққан одамларда бир қанча психологик ва соматик хасталиқлар келиб чиқиши бежиз эмас. Гарчи, буни ёшга, қарилликка йўйиш ҳам мумкин бўлса-да, аммо асл сабаб айнан пенсия билан боғлиқдир.

«Қариганда одам ёш боладек бўлиб қолади»,

деган гапни бир эслайлик-а. Пенсия гаштини суриш — ҳамма учун бирдек тегишли ҳолат эмас. Тўғри, оптимист қариялар ҳам бор, улар пенсия давридан завқ олиб яшай оладилар, уйда шуғулланиш учун машурлот топиниш эплайдилар, дўсту-ёрон орттирадилар.

Замонавий психологияда пенсия ёшидаги руҳият алоҳида ўрганилган. Аввалбоки кўнгли бўш, таслимликка мойил кишилар пенсия стресси қаршидада ожиз қоладилар ва касаллик орттириб оладилар. Ким билсин, турли давлатларда пенсия ёши чўзилтирилганида балки шу ҳисобга олингандир.

Унутмаслик керакки, пенсия стресси хавф гуруҳига аёллар ва эркаклар тенг равишда қарадилар. Улардан бирини кўпроқ мойил қилиб тахминлаш нотўғри. Бу жинсга эмас, руҳий оламга ва қарьерга муносабатга боғлиқ. Фақат, юқорида қайд этилган икки стресс турига монанд айтганда, эркаклар пенсия олди, аёллар эса пенсиядан кейинги стрессга кўпроқ



Руҳият

# ПЕНСИЯ СТРЕССИ — биологик ёшни оширади(ми?)

чалинадилар. Шунингдек, давлатнинг пенсия ислохотларидаги катта ўзгаришлари (пенсия ёшини кескин ошириш ёки тушириш) стрессга сабабчи омиллардан биридир. Катта ёшлилар учун режа ва мўлжални бошқа томонга буриш бошоғриқ иш ҳисобланади.

Пенсия стрессининг яққол асоратларидан бири, бу биологик ёшнинг ошишидир. Ўз-ўзидан савол туғилади, хўш, биологик ёш нима?

Биологик ёш — индивидуал организмга умумий баҳо бўлиб, олимларнинг ҳулосаларига кўра, биологик ёш ҳақиқий ёшидир.

Биологик жараёнлар билан шуғулланувчи мутахассисни геронтолог, деб аталади. Инсоннинг биологик ёши бир қанча хусусиятларга қараб белгиланади. Бунда организмнинг имкониятлари ойдинлашади. Ташқи шароитнинг организмга таъсири ва патологик ўзгаришларнинг бор-йўқлиги биологик ёшни белгилашга асос бўлади. Наслий омил, яшаш тарзи ҳам ташқи омил билан бир қаторда туради.

Умуман олганда, инсоннинг паспортдаги ёши унинг соғломлиги ва меҳнат қобилиятини белгилайди. Чунки сурункали ёш ва биологик ёш орасида катта фарқ бор.

«Аёллардан ёшини сўраш маданиятсизлик», деган гап тез-тез қўлогимизга чалинади. Эҳтимолки, бу аёллар ёшларига ёш қўйишидан, қарши аломатлари сабаб ўйлаб топилган бўлса керак. Аммо аёл ёшидан уялмаслиги, балки фахрлиниши ҳам мумкин. Қачонки, у соғлом бўлса.

Ёш кўринадианлар кимлар? Улар пардоз,

қийим услуби ва тери парваршини яхши йўлга қўйганларгина эмас, балки соғлом турмуш тарзини маромида олиб бораётганлардир. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаётимизда но-соғлом унсурлар кўп бўлса, биологик ёшимиз ортиб бораверади.

### БИОЛОГИК ЁШНИ БЕЛГИЛАШДА НИМАЛАРГА АҲАМИЯТ БЕРИЛАДИ?

- қон босимининг нечалиги;
- бўй ва вазн мутаносиб-лиги;
- ўпка ҳолати;
- сезги аъзоларининг қай даражада ишлаётгани;
- диққатни жамлаш даражаси;
- таянч-ҳаракатланиш аппаратининг қайишқоқлик кўрсаткичи;
- тиш ҳолати, соғлом тишлар сони.

Биологик ёш борасида ҳукм чиқаришда кишининг жинси, индивидуал хусусиятлари, у яшаётган жой экологияси назарда тутилади. Маълумотларга кўра, аёллар эркакларга қараганда секинроқ қарийдилар ва 6-8 йил кўпроқ умр кўрадилар.

Биологик ёшни аниқлашнинг бир қанча турлари бор. Масалан, координация орқали аниқлаш усули. Бу сира қийин эмас: бир оёқлаб туринг ва кўзингизни юминг. Сананг, қани қанча вақт давомида шу ҳолатда тура оласиз?

- 30 сониядан ортқ — биологик ёшингиз 20;
- 20 сониядан 30 сониягача — биологик ёшингиз 30;
- 16 сониядан 20 сониягача — биологик ёшингиз 40;
- 15 сония — биологик ёшингиз 50;
- 10 сония — биологик ёшингиз 60 ёш.

Пулс орқали аниқлаш усули ҳам бор. Жисмоний машқлар бажаришдан аввал пульсингизни ўлчанг ва қайд этиб қўйинг. Кейин бирорта машқ бажаринг, масалан, 20 марта ўтириб-тургандан сўнг пульсингизни қайта ўлчанг. Натижа аввалгисидан қанчага фарқ қияпти?

Бир хил кўрсаткич ёки 10 тагача кўпайган — биологик ёшингиз 20;

10 тадан 20 тагача кўпайган — биологик ёшингиз 30;

20 тадан 30 тагача кўпайган — биологик ёшингиз 40;

30 тадан 40 тагача кўпайган — биологик ёшингиз 50;

40 тадан кўп — биологик ёшингиз 60 ёш.

Қўлнинг ташқи қисми терисини 5 сония давомида чимчилаб туринг, бу вақт давомида бироз оғриқ туриши табиий. Қўйиб юборганингизда терига назар солинг, у неча сония ичида асл ҳоли (ранги) га қайтди?

3 сония — биологик ёшингиз 20;

5 сония — биологик ёшингиз 30;

8 сония — биологик ёшингиз 40;

10 сония — биологик ёшингиз 50;

15 сония — биологик ёшингиз 60 ёш.

Биологик ёшни аниқлаш шунчаки машғулот эмас. У, аслида, сиздан кўра кўпроқ ишқорларни қизиқтиради. Чунки у, юқорида айтганимиздек, саломатлик ҳолатидан дарак бериб, айниқса, биологик ёш сурункали ёшдан анча катта кўрсаткичларда бўлса, организмиздаги бирорта дардни да-волашга тўғри келади.

Дўрдона АЛИМОВА  
тайёрлади

Мигрантлар... Бу сўз ҳаётимизга кириб келганига ҳам анча вақт бўлди. Бироқ қонуний миграция оқимини бошқариш, меҳнат мигрантларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби масалалар узоқ вақт ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Гўёки тирикчилик важдан Ватандан ташқарига чиқиб кетганлар бориға қаноат қилмайдиган, енгил пўл топишға рўжў қўйганлар...

Шарҳ

# УЛАР БИЗГА БЕГОНА ЭМАС

## ЎХУД МИГРАНТЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА ЭКАНИНИ ҲИС ЭТИБ ЯШАШЛАРИ УЧУН МУҲИМ ҲУҶЖАТ

Мусофирчиликда муаммога дуч келганлар, бахтсиз ҳодисалар ёки кўнгилсиз ҳолатлар туфайли ҳалок бўлганларнинг аччиқ қисмати ижтимоий тармоқларни портлатса-да, воқеаларга лоақал муносабат билдирилмаган ҳолатларни ҳам кўрдик.

**Маълумки, хорижга ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг аксарияти ўзи борадиган давлат тилини билмайди ва маълум бир касб-хунарга эга эмас. Шу туфайли кўпдан кўп муаммолар юзага қалқиб чиқади. Ҳатто уларнинг айримлари фирибгарлар домига тушади, алдинки қолади, одам савдоси қурбонига айланади.**

Шавкат Мирзиёев Президент сифатида иш бошлаган дастлабки кунларда-ноқ хорижда меҳнат қилаётган ва маълум сабаблар туфайли у ерда кўни топган ўзбекистон фуқароларини ҳимоя қилиш, чет элда яшаётган ватандошларини билан мулоқот ўрнатиш, улар орасидан етук мутахассисларни юртимизга қайтариш бўйича амалий тақдирларни илгартирдик.

Қисқа вақт ичида хорижда ишлаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси ташкил этилиб, чет элда меҳнат қилаётган ва ишлаб қайтиб келган фуқароларнинг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган ипотека кредитларини ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳозирда карантин туфайли ўзбекистонга қайтиш истагида бўлган фуқаролар учун махсус рейслар ташкил қилиниб, жойларда улар учун иш ўринлари яратилмоқда.

Тўғри, бу билан миграция масаласидаги муаммолар узил-кесил ҳал этилди, деб айтишга ҳали эрта. Бойси, йиллар давомида йўғилиб қолган муаммоларни қисқа фурсатда бартараф этиш имконининг ўзи бўлмайди.

Муҳими, муаммолар тан олингани, давлат ўз фуқароларини дунёнинг қайси манзилида бўлсин ҳимоясиға олаётгани, тизим янгиланаётгани. Қолаверса, бутун дунё ишчи кучининг кўчиши, ҳаракатланиши, мигрантлар муаммолари билан дуч келади. Лекин ҳеч бир мамлакат ҳозиргача меҳмонларга дарвозасини батамом ёпиб ёки фуқароларига бошқа давлатга чиқиб кетишни тақиқлаб қўйгани йўқ. Ўзбекистон ҳам жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида миграция хизмати ривожлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлидан бормоқда.

Дунё меҳнат бозори конъюктурасида рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, пандемиянинг иқтисодий таъсири натижасида юзага келётган муаммолар миграция масаласини давр ва шароит нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Президентимиз шу йил 14 сентябрда имзолаган «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор ана шу масалаларнинг комплекс ечимига қаратилган десак янглишмаймиз.

Қарор билан хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими жорий қилиниб, унинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Айниқса, Ўзбекистон фуқароларини чет элда вақтинча ишлашга ташкиллаштирилган ҳолда юбориш ҳажмини ошириш, ушбу мақсадда вазирилик, идоралар ва маҳал-

лий ижроия ҳоқимияти органларининг вазиға ва ваколатлар доираси кенгайтирилганини кўплаб муаммоларни ҳал этади.

Ушбу ваколатлар соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижга ишлашға кетишдан олдин фуқароларни касб-хунарга ва хорижий тилларға ўқитишни самарали йўлга қўйиш, уларға халқаро тан олиндиған сертификатлар бериш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришда қўл келади.

Қарорда ҳоқимлар ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳудудий филиалларига умумий раҳбарлик қилиши билан боғлиқ қондини қиритилгани алоҳида аҳамиятға эға. Бойси шу вақтға қадар ҳудудий филиаллар раҳбарлари бевосита Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан тайинлангани миграция хизматларини ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил этишға ва фаолиятни холисона баҳолашға тўсқинлик қилар эди.

### АВВАЛ ТИЛ ЎРГАН, КЕЙИН ИШ...

Маълумки, хорижга ишлаш учун кетаётган фуқароларнинг аксарияти ўзи борадиган давлат тилини билмайди ва маълум бир касб-хунарга эға эмас. Шу туфайли кўпдан кўп муаммолар юзага қалқиб чиқади. Ҳатто уларнинг айримлари фирибгарлар домига тушади, алдинки қолади, одам савдоси қурбонига айланади.

Қарорда бу каби муаммоларнинг олдини олиш бўйича ҳам янги тартиблар жорий қилинди. Хусусан, 2021 йил 1 январдан бошлаб ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижга чиқиб кетаётган шахслар, ишға юборилишдан олдин мажбурий тартибда тил ўрганиди ва ўша мамлакатда талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитилади. Бу эса ишчининг, аввало, рақобатбардошлигини ошириб, маошининг юқори бўлишиға замин яратади.

Қарор талабларига мувофиқ, 2021 йил 1 январға қадар Тошкент шаҳрида Япония иш берувчилари билан ҳамкорликда «Япон тили ва касбий малака» тест маркази, Фарғона шаҳрида Россия Федерацияси билан ҳамкорликда пайвандчилар мактаби, Гулистон шаҳрида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда хизмат соҳасида фаолият кўрсатадиган ишчиларни тайёрлаш ўқув маркази, шунингдек, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда чет тилларига ўқитиш ва хизмат соҳаси бўйича касбға тайёрлаш ўқув марказлари иш бошлайди.

Айни шу мақсадларда 2020-2021 йилларда Меҳнат вазирилик ҳузуридидаги жамғарма маблағлари ҳисобидан 74

миң нафар шахсни касб-хунарга ўқитиш учун 95 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Этиборли томони, қарорда жаҳон меҳнат бозоридидаги талаб ва тақлиф синчковлик билан таҳлил қилиниб, эҳтиёж юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш, ишчилар меҳнатини халқаро ҳуқуқ нормалари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ барча жараёнлар атрофида қамраб олинган.

Қарорда Россия Федерациясига ишға

тартиби қўлланилади. Айни шу тартибға эйтибор қаратадиган бўлсангиз, катта бир муаммо ечимини топганини кўришимиз мумкин. Инсон умрининг охириға қадар мигрант бўлиб қололмади ахир. У куч-қувватға тўлган даврида ишлаш, келажакға учун пойдевор яратиш керак. Кексайиғанда эса пенсия гаштини суриб, қадр топиши лозим. Шу бойси, уларнинг ишлаб турган даврида пенсия учун замин ҳо-

тилади ва Россия Федерацияси ҳудудини доимий хизмат билан қамраб олади «Call-марказ» ташкил қилиниши ҳам ҳамюртларимиз учун яхши имкониятлардан бири.

### МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА...

Баъзилар хорижға ишлаш учун чиқиб кетаётган фуқаролар сонининг ортиб бораётганини бир томонлама талқин қилишади. Лекин, нафсиламбирини айтганда, инсоннинг дунё кезиб, тобланиб, даромад орттириб, ҳаётини яхшилаётгани ижобий ҳолат эмасми?

Бугун вилоятларнинг олис қишлоқларида инфратузилма яхши ривожланмагани учун иш ўринларининг етарли эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай шароитда одамлар миграция ортидан уй-жой шароитларини яхшилапти, тўй қилапти, машина олапти...

Кувонарлиси, мигрантлик ҳаётини бошидан ўтказиб қайтган кўплаб юрдошларимиз чет элда орттирган билим ва илмларини ўзимизда қўллапти. Тошкент шаҳри ва вилоятларда қурилатган мураккаб архитектура ва конструкцияли қурилиш иншоотларининг деярли барчасида ўзимизнинг қорақўзлар меҳнат қилапти.

### ЎЛГИЗ ЭМАСИЗИ!

Хулоса қилиб айтганда, қарорнинг ижроси доирасида 2020-2021 йилларда мамлакатимизда 70 миң нафарға яқин шахс касб-хунарга ва чет тилларға ўқитилади. 144 миң нафардан ортиқ шахс ташкиллаштирилган ҳолда хорижға вақтинча ишлаш учун юборилади. Хориждан қайтиб келган 148 миң нафарға яқин фуқароларнинг бандлиги таъминланади. 120 миң нафарға яқин меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига ёрдам кўрсатилади.

Бу эса миңглаб ҳамюртларимиз касб-корли, оилалари даромадли бўлади. Муҳими, қаерда бўлмасин, Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳимоясида эканини ҳис этиб яшашидир.

Дилшод БЎРИЕВ, журналист



### Фарғона вилояти

Кенг қўламли бунёдкорлик ишлар натижасида Риштон тумани марказининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Тор, ўйдим-чўқур йўллар ўрнида олти қаторли йўллар барпо этилди. Аммо йўл остидан ўтказилган коммуникация тармоғининг қудуғи қопқоқ билан ёпилмагани, қопқоқ ўрнига учига қоп кийдирилган ёғоч калтак солиб қўйилганини қандай изоҳлаш мумкин? Агар салгина ҳушёрликни йўқотсангиз, қудуққа тушиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

### Равон йўлдаги «ҚУДУҚЛАР»

Ўзбекистон туманининг «Кониэар» МФЙ ҳудудидаги автомобиллар ҳаракатини тартибға соладиган айлана йўлда ҳам шу аҳвол. Риштон тумани марказида бўлгани каби, бир неча ойдири, йўл ўртасидаги озғи очиқ қудуққа қопқоқ топилмапти. Қудуққа калтак солиниб, учига лента илтиб қўйилган. Ваҳоланки, маҳаллий аҳоли вакилларининг гапига кўра, бу йўлда эрта-ю кеч автомобиллар қатнови бир зум тўхтамайди.

Кўзон шаҳрида ҳам бундай манзараға дуч келасиз. «Қозиёғлик» МФЙ ҳудудидан ўтган автомобиль йўли анчагина серкатнов. Бироқ супурги ва дарахт шохлари солинган озғи очиқ қудуқлар ҳеч кимни ташвишлантиргани йўқ. Хуллас, бу ердан ҳаракатланганда эҳтиёткорликни юз қарра оширишға тўғри келади. Ҳар ҳолда «инновацион» усулдаги «белгиларни» яхши билиш зарар қилмайди.

Вилоят марказининг Мураббийлар кўчасидаги пиёдалар йўлидан юрганингизда асло ҳушёрликни бой берманг. Бу ердаги усти очиқ қудуққа қопқоқ тугул шох-шабба ҳам солиб қўйилмаган. Бундан сал нарида Истироҳат кўчасидаги қудуққа ҳам кўринар-кўринмас тарзда тошдан, дарахт шохидан белги қилиб қўйилган.

Кузатуваримиздан шу нарса аён бўлдики, усти очиқ қопқоқсиз қудуқларға дарахт шох-шаббаларини солиб «белги» қўйиш оддий ҳолға айланаб қолган. Умид қиламизки, масалаға алоқадор ташкилот раҳбарлари мазкур ҳолатға томошабин бўлиб турмайдилар. Ахир йўллар эғасиз эмас-ку!

Жамшид ЭРҒАШЕВ, «ISHONCH»

### Луқма



### Бемор дарди, шифокор кўнглини олиб...

Бемор қаршисида ўзлигини унуттишға масъул бўлган касб эгаларининг тилида ҳам, дилида ҳам бир истак: «Ҳеч ким касал бўлмасин!». Аммо ҳаёт бор экан, дард ва гард таъовузидан йироқлашиб кетишининг сира иложи йўқ. Чироқчининг чекка қишлоқларидан бирида камолға етган Абдусодиқни эзгу ниятлар Самарқандға етаклаб келди. Тиббиёт олийгоҳини тамомлаб, шаҳардаги юқумли касалликлар шифохонасида фаолият бошлади.

Қарийб чорак асрдирки инсон вужудиға турли йўллар билан чанг солаётган юқумли касалликларни бартараф этиш асноси шунга амин бўлдики, дард ҳар лаҳзада қомиға олиши, сафдан чиқариб қўйиши мумкин. Зеро, бу соҳада хизмат қиладиган ходим беморға ҳам, ўзига ҳам ўта талабчан ва сергак бўлмоғи шарт.

Шу йўналишда бир умр ишлаб охир-оқибатда дардманд бўлиб қолган ҳамкасбларимизни ҳам кўрганмиз, — дейди Абдусодиқ Боймирзаев. — Ўзинг билмаган ҳолда бемор билан мулоқот чоғида хасталикка чалиниб қолиш ҳеч гап эмас.

### Самарқанд вилояти

Коронавирусга чалинган илк беморни қабул қилганимизға ҳам олти ойға яқин вақт ўтди, — дейди Абдусодиқ Боймирзаев. — Ихтисослашган касалхонамиз пандемия шароитиға тўла мосланганлиги, ҳамкасбларимизнинг бу соҳада муайян тажрибаға эғалиги туфайли кўпдан-кўп беморлар дарддан халос бўлишди.

Ҳали синовдан ўтмаган, муолажа тартиблари ишлаб чиқилмаган, дори-дармонларни қўллашда ўта эҳтиёткорлик талаб этадиган бу

касаллик билан ишлаш, айниқса, дастлабки лаҳзаларда оғир кечганлиги ҳам рост. Жамоа касалхонани вақтинчалик ватан қилди, десак ҳам ҳеч муболага эмас.

Пандемия шароитида бўлиб ўтган касаб ва ишчиларнинг ҳисобот сайлов йўғилишида ҳамкасблари Абдусодиқ Боймирзаевға катта ишонч билдириб бошланғич ташкилот раислигиға муносиб кўришди. Қалтис вазиятда жамоатчилик раҳбари ишда ҳам, ҳаётда ҳам ўзини намоеён эта билмиш, ҳориган-толиққан касбдошларига далда бўлиши керак. А.Боймирзаев бунинг удрасидан чиқди. Ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашға интилади.

Жамоамиз аъзолари аксариятининг фарзандлари мактабларда ўқишади. Айниқса, сентябрь ойи яқинлаша бошлагач шифокорларимиздаги безовалик янада ошди, — дейди Абдусодиқ Боймирзаев. — Суҳбатлардан англадимки, уларнинг кўпчилиги ўқувчи фарзандларига ўқув қуроллари харид қилишға

### Дунё меҳнат бозори конъюктурасида рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, пандемиянинг иқтисодий таъсири натижасида юзага келадиган муаммолар миграция масаласини давр ва шароит нуктаи назаридан қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда.

Хуллас, ҳужжатнинг ҳар бир банди меҳнат мигрантларини амалий томондан қўллаб-қувватлашға қаратилган. Масалан, 2021 йил 1 январдан бошлаб, вақтинча ишлаш учун хорижға чиқиб кетаётган шахсларға 10 миллион сўмгача микроқарзлар бериш тартиби жорий қилинмоқда.

Микроқарз фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасининг ошадиган, лекин асосий ставканинг 1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисми бандликка қумаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

2021 йил 1 январдан бошлаб, ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси йўли билан хорижда вақтинча меҳнат қилиш ўзини ўзи банд қилувчи фаолият туриға тенглаштирилади ва унга нисбатан белгиланган солиқларни тўлаш ҳамда пенсия миқдорини ҳисоблаш

зирлаши фойдада муҳим омилдир.

### Фидойилар



Коронавирусга чалинган илк беморни қабул қилганимизға ҳам олти ойға яқин вақт ўтди, — дейди Абдусодиқ Боймирзаев. — Ихтисослашган касалхонамиз пандемия шароитиға тўла мосланганлиги, ҳамкасбларимизнинг бу соҳада муайян тажрибаға эғалиги туфайли кўпдан-кўп беморлар дарддан халос бўлишди.

Ҳали синовдан ўтмаган, муолажа тартиблари ишлаб чиқилмаган, дори-дармонларни қўллашда ўта эҳтиёткорлик талаб этадиган бу

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Жиззах вилояти

# Хайрли ишлар бардавом



Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи Жиззах вилояти туманларидаги маҳаллаларда ўйма-ўй юриб, ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга ҳар бир шаҳар, туман мутасаддилари билан ҳамкорликда манзилли ёрдам кўрсатганликлари ҳақида аввал ҳам хабар бергандик.

Дўстлик тумани «Богзор» ҚФЙ Ўзбекистон кўчаси, 21/1-уйда яшовчи Мавлуда Жубашованинг 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи мавсумий ишлар билангина машғул, шу сабабли оила моддий етишмовчиликдан қийналаётган эди. Хонадонга тиқув машинаси берилгач, ахвол тубдан ўзгарди.

– Касаба уюшмалари томонидан қилинган ушбу ёрдам бизни муҳтожликдан халос этди, – дейди Мавлуда. – Очиғи, ҳаётим бунчалик тез ўзгаришини кутмагандим. Энди тиқув машинасида кўрпа-ёстиқ жилдлари ва бошқа буюмлар тиқиб, оилам эҳтиёжи учун зарур маблағни ўзим топапман.

Манзилли дастур асосида тумандаги 6 нафар аёлга ўзини ўзи банд қилишда 8 миллион сўмликка яқин моддий кўмаклашилди. 23 нафар хотин-қизга даволаниш, кийим-кечак олиш, коммунал хизматлардан қарздорлигини тўлашда 66 миллион сўм ажратилди.

Бундай ёрдамдан вилоятнинг барча туманларидаги эҳтиёжманд аёллар четда қолмади. Умуман, шу кунга қадар касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 629 нафар хотин-қизга даволаниш, дори-дармонлар олиш, коммунал тўловлар ва бошқа эҳтиёжлари учун 1 миллиард 121 миллион 332 минг сўм маблағ сарфланди.



Мукимжон ИСМОИЛОВ, «ISHONCH»

## Касаба уюшма кўмаги

## Орамиздаги одамлар

Аёл – хонадон чироғи, жамият – таянчи. Аёл – сеvimли ёр, аёл – она, аёл – тарбиячи, аёл – тадбиркор, аёл – иш юритувчи, шу билан бирга, гўзаллик, нафосат тимсоли. Аёл ва садоқат сўзлари доимо ёнма-ён ишлатилади.

# САДОҚАТ

Ҳожар Жамолова мана шундай ҳавас қилса арзиғулик замондошларимиздан. Кўп вақт ижодкорларнинг ишини турмуш ўртоқлари давом эттиргани каби у ҳам турмуш ўртоғи истеъдодли журналист, ёзувчи, драматург, ҳажвчи Турғун Жамоловнинг номини улуғлаб келмоқда. «Сирдарё ҳақиқати» газетасида бўлим бошлиғи, ўн тўрт йил Сирдарё вилояти телерадио кўмитаси раиси сифатида фаолият юритган Турғун Жамоловнинг ҳаёт чоғида, яъни 1975 йилда «Тақдир табассуми», 1982 йилда «Чашма» очерклар, ҳикоялар, мақолалардан иборат иккита китоби чоп этилган, таасуфки, иқтидорли ёзувчи 1997 йилда ижоди айна гуллаган чоғида вафот этганди.

Ҳожар она ёстиқдошининг қўлэмаларини эҳтиётлади, тартибга келтирди. Унта ҳикоясини жамлаб «Ялғиз ҳиди» (2008) китобини нашр эттирди. Адабиётшунос олимлар томонидан китобга юксак баҳо берилди. Бир неча тақризлар эълон қилинди. Шунингдек, ёзувчининг қисса, ҳикоя, драма, очерк, саёхатнома, ҳажвия, кечинмаларидан иборат «Садоқат» (2015), «Меҳр ёғдуси» (2016), «Кўнғил» (2016) китоблари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Ҳожар Жамолова турмуш ўртоғининг нашрдан чиққан ҳар бир китоби тақдироти хонадонда, вилоят ижодкорлари иштирокида ўтказишни аъёнага айлантирди. Баъзан тақдирот Гулистон шаҳридаги Хотира майдонига ҳам кўчди. Бу ерда Турғун Жамолова бағишлаб шахмат бўйича хотира турнири ўтказиш ҳам йўлга қўйилди. Ҳожар Жамолова турмуш ўртоғи руҳини шод қилиш, хизматларини халққа эслатиш ва қўрсатиш учун тиниб-тинчимади. Натижада, «Излаганим топганларим» (2017) китоби юзага келди.

Ҳўжанд педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ўқитувчи, Сирдарё вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Гулистон шаҳар ва Сирдарё вилояти ижроия кўмитаси раиси ўринбосари каби нуфузли, масъулиятли вазифаларда фаолият кўрсатган, қирқ йил Сирдарё вилояти архив бўлимига раҳбарлик қилган Ҳожар Жамолова бир қатор янги китобларни чоп эттиришга муваффақ бўлди. «Ҳаёт шуъласи» (2018), «Ғалати ариза» (2011), «Яхшилик боғи» (2012), «Дийдор» (2013), «Виждон» (2014) каби ўнлаб китоблар турмуш ўртоғи вафотидан кейин нашрга тайёрланиб, орзу-манд ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилди.

Ҳожар Жамолова бугун муборак 85 ёшга тўлди. Лекин ҳозир ҳам турмуш ўртоғи, ёзувчи Турғун Жамоловнинг руҳини шодлантиришда давом этмоқда.

**Равшанбек МАҲМУДОВ,**  
Гулистон давлат университети профессори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

## Эълонлар

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманида жойлашган 58-сонли Мусо Джалил номидаги мактаб томонидан 1991 йил 25 июнда 24.05.1974 йилда туғилган Асанова Гульнора Акимовна номига берилган А-502212 рақамли аттестат йўқолгани маълум қилинади.

\*\*\*

И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети томонидан 25.08.2018 йилда Саидов Элеҳбек Илҳом ўғли номига берилган №0112 рақамли рейтинг дафтарчаси йўқолгани маълум қилинади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниева акиси

### Авазбек ҒАНИЕВНИНГ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Кенгаш раёсати аъзоси, тармоқ касаба уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

### Муҳайё ҒАФФОРОВАНИНГ

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ва ҳудудий бирлашган касаба уюшмаси кўмиталари тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг маданий-маърифий ишлар бўйича бош мутахассиси Равшанбек Мансурова онаси

### Тўтихон МАНСУРОВАНИНГ

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# Мутелик ёт жонзот

Ёввойи ҳайвонлар ичида алоҳида хусусияти билан ажралиб турадиган жонзотлардан бири бўридир. Бу йиртқич ҳайвон ҳеч қачон қўлликка кўнмайди. У эркинликни севади. Ёввойи ҳайвонлар орасида фақат бўринигина қўлга ўргатиб бўлмайди. Шу боис, цирк томошаларида уни кўришни имкони йўқ. Бўри териси тирикчилик шилинса ҳам ғингшмай азоб-қубатга мардонавор чидайдиган ягона жонзот. Энг қизиғи, терисини шилиб олгандан кейин ҳам унинг мурдасига қурт-қумурсқа ва турли ҳашаротлар асло йўламайди. Шунинг учун бўрини аслзода жонзот деб ҳам аташади.

Тарихта назар солинса, қадимда бўри туркий халқларнинг рамзи (тотеми) саналган. Афсоналарда айтилишича, туркий халқлар кўк бўридан тарқалган. Шу сабабли туркий давлатларнинг байроғида кўк бўрининг тасвири туширилган. Халқимиз азалдан бу жонзотга алоҳида ҳурмат билан қараган. Афсуски, кейинчалик табиат қонуни бузилди. Одамзод ёввойи табиатни аёвсиз ўзлаштириши оқибатида табиий тенглик йўқолди. Табиий ер майдонларинг қисқариб кетиши бўриларнинг озик манбалари ҳам кескин камайишига сабаб бўлди. Бу эса бўриларнинг чорва молларига ҳамла қилиши ва одамларнинг тазйиқига учрашига олиб келди.

Одатда бўри болалайдиган пайтда чўпонлар яшайдиган яқин худудга ин куради ва яқин-атрофдаги чўпонларнинг молларига тегмайди. Бўри кўтотиб кетса, тўдадан ажралиб қолиши мумкин. Қолаверса, бу тажрибали бўрилар кейингиларнинг кучларини сақлаб қолиши учун уларга йўл очиб келяпти. Ундан кейин 5 та кучли бўри. Уртада эса 11 та ургочи. Улардан сўнг яна 5 та энг кучли эркак бўри, энг охирида эса тўда бошлиғи келяпти. У тўданинг юриши йўналишини назорат қилиб, тартибга солиб боради.

Бўри умри давомида фақат битта жуфт танлайди. Агар жуфти ҳалоло ўлса, иккинчиси умрининг охиригача ёлғиз яшайди ёки қайғудан ўзи ҳам жон беради. Бундан ташқари, бўри жуда қасоскор. Агар биттаси қўлга тушиб, иккинчиси омон қолиб қутулиб кетса, албатта, у шафқатсиз равишда қасос олади (Жаҳонга машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романида бўрилар ҳаёти мумтоз даражада ўз аксини топган). Мабодо, ургочиси қўлга тушиб, ўлими яқинлашганини сезса, ўзининг жинсий аъзосини ўзи чайнаб ташлайди. Чунки бўрида ор-номус жуда кучли бўлиб, авратини бошқаларга кўрсатмайди. Қопқонга тушган бўрининг ўз оёғини чайнаб ташлаб қочиб кетганига кўпчилик гувоҳ бўлган.

Бўри боласи кичиклигидаёқ асраб олинса ҳам қўлга ўрганмайди ва думини ликиллаб, одамга эрқаланмайди. Бўри ҳеч қачон ўлакка емайди, фақат ўзи тутган ўлжасини тановул қилади. Катта оч бўри бир ейишда 10 килограммгача гўшт истеъмол қилиши мумкин.

Бўри 3 тадан 10 тагача бола кўриши мумкин. Агар жуфтларнинг бири касал ёки қувватсиз бўлса, жуфтлашини тўхтатиб туради, чунки бу жонзотда соғлом насл қолдиришга бўлган табиий

Бўри тўдаси. Энг олдинда учта қари ёки аҳволи ночор касал бўри келяпти. Агар олдинда қандайдир фавқулодда вазият шулар қурбон бўлади. Мабодо булар охирида қолиб кетса, тўдадан ажралиб қолиши мумкин. Қолаверса, бу тажрибали бўрилар кейингиларнинг кучларини сақлаб қолиши учун уларга йўл очиб келяпти. Ундан кейин 5 та кучли бўри. Уртада эса 11 та ургочи. Улардан сўнг яна 5 та энг кучли эркак бўри, энг охирида эса тўда бошлиғи келяпти. У тўданинг юриши йўналишини назорат қилиб, тартибга солиб боради.

масъулият жуда юқори. Агар табиатда мувозанат бузилмаса, бўри одамга эг меҳрибон ҳайвондир. Бошқа бирон жонзот одам боласини боқмаслиги мумкин, лекин тарихда бўрилар тўдасида улғайган «маутли»лар кўп. Утган асрда геологлар Устюртда бўри тўдаси ичида улғайган одамни топиб олишгани ҳам бунинг исботидир.

Бўрилар қийин вазиятларда бир-бирига доимо ёрдам қилини чўзади. Бу хусусиятни болалигидаёқ сингдиришади. Ота-она болаларининг ичидан кучлисини аниқлаш учун уларга ўлжани тириклайин олиб келиб беради. Болалар шу ерда ўлжага талашади ва уларнинг ичида қайсиси кучли бўлиши аниқлаш учун уларга ўлжани тириклайин олиб келиб беради. Болалар шу ерда ўлжага талашади ва уларнинг ичида қайсиси кучли бўлиши аниқлаш учун уларга ўлжани тириклайин олиб келиб беради. Болалар шу ерда ўлжага талашади ва уларнинг ичида қайсиси кучли бўлиши аниқлаш учун уларга ўлжани тириклайин олиб келиб беради.

Эсимхон ҚАНОАТОВ, «ISHONCH»

